



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EISSN 2181-2187

12 (86) 2025

**Сопредседатели редакционной
коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ

А.А. АБДУМАЖИДОВ

Р.Б. АБДУЛЛАЕВ

Л.М. АБДУЛЛАЕВА

А.Ш. АБДУМАЖИДОВ

М.А. АБДУЛЛАЕВА

Х.А. АБДУМАДЖИДОВ

Б.З. АБДУСАМАТОВ

У.О. АБИДОВ

М.М. АКБАРОВ

Х.А. АКИЛОВ

М.М. АЛИЕВ

С.Ж. АМИНОВ

Ш.Э. АМОНОВ

Ш.М. АХМЕДОВ

Ю.М. АХМЕДОВ

С.М. АХМЕДОВА

Т.А. АСКАРОВ

М.А. АРТИКОВА

Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)

Е.А. БЕРДИЕВ

Б.Т. БУЗРУКОВ

Р.К. ДАДАБАЕВА

М.Н. ДАМИНОВА

К.А. ДЕХКОНОВ

Э.С. ДЖУМАБАЕВ

А.А. ДЖАЛИЛОВ

Н.Н. ЗОЛОТОВА

А.Ш. ИНОЯТОВ

С.ИНДАМИНОВ

А.И. ИСКАНДАРОВ

А.С. ИЛЬЯСОВ

Э.Э. КОБИЛОВ

А.М. МАННАНОВ

Д.М. МУСАЕВА

Т.С. МУСАЕВ

М.Р. МИРЗОЕВА

Ф.Г. НАЗИРОВ

Н.А. НУРАЛИЕВА

Ф.С. ОРИПОВ

Б.Т. РАХИМОВ

Х.А. РАСУЛОВ

Ш.И. РУЗИЕВ

С.А. РУЗИЕВ

С.А. ГАФФОРОВ

С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)

Ж.Б. САТТАРОВ

Б.Б. САФОЕВ (отв. редактор)

И.А. САТИВАЛДИЕВА

Ш.Т. САЛИМОВ

Д.И. ТУКСАНОВА

М.М. ТАДЖИЕВ

А.Ж. ХАМРАЕВ

Б.Б. ХАСАНОВ

Д.А. ХАСАНОВА

Б.З. ХАМДАМОВ

Э.Б. ХАККУЛОВ

Г.С. ХОДЖИЕВА

А.М. ШАМСИЕВ

А.К. ШАДМАНОВ

Н.Ж. ЭРМАТОВ

Б.Б. ЕРГАШЕВ

Н.Ш. ЕРГАШЕВ

И.Р. ЮЛДАШЕВ

Д.Х. ЮЛДАШЕВА

А.С. ЮСУПОВ

Ш.Ш. ЯРИКОЛОВ

М.Ш. ХАКИМОВ

Д.О. ИВАНОВ (Россия)

К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)

DONG JINCHENG (Китай)

КУЗАКОВ В.Е. (Россия)

Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)

В.А. МИТИШ (Россия)

В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)

О.В. ПЕШИКОВ (Россия)

А.А. ПОТАПОВ (Россия)

А.А. ТЕПЛОВ (Россия)

Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)

А.А. ІЦЕГОЛОВ (Россия)

С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)

Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV(Azerbaijan)

Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

**Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал**

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)

Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)

А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)

Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)

Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)

У.К. КАЮМОВ (Тошкент)

Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)

А.А. НОСИРОВ (Ташкент)

А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)

Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)

Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

12 (86)

www.bsmi.uz
<https://newdaymedicine.com> E:
ndmuz@mail.ru
Тел: +99890 8061882

**2025
декабрь**

Received: 20.11.2025, Accepted: 06.12.2025, Published: 10.12.2025

УЎК 618.177:616-092:615.9

ЭНДОМЕТРИТ КАСАЛЛИГИДА ҚУЁНЛАРНИНГ ЯНГИЧА ДАВО ЧОРАСИ
ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ ВА ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ ЁНДАШУВЛАР

Қосимова Дилноза Саётовна <https://orcid.org/0009-0004-2700-6805>
e-mail: dilnoza_kosimova@bsmi.uz

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш.,
А.Навоий қўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ *Резюме*

Дунёда репродуктив саломатликни таъминлашида эндометрийнинг орфо-функционал ҳолати мухим биологик тузилма сифатида алоҳида ўрин тутади. Унинг нормал ҳолати нафақат ҳомиладорликни юзага келтириши, балки ҳомилани тўлиқ муддат давомида саклаб қолиши ва ривоҷсланириши учун ҳам зарур ҳисобланади. Эндометрийнинг функционал бузилишилари кўпинча аёлларда бепуштлик, ўз-ўзидан юзага келадиган тўхтосиз тушишилар ва ҳомиланинг нормал ўсишида кечикишилар каби клиник муаммолар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун эндометрий саломатлигини таъминлаш глобал тиббиётда мухим йўналишилардан бири сифатида қаралмоқда.

Калит сўзлар: экспериментал тиббиёт тадқиқотлар, эндометрит касаллиги, қуёнларнинг янгича даво чораси, даво жараённида ялигланиши жараёнини даволаши натижаларини баҳолаш ва замонавий тиббий ёндашувлар

ОЦЕНКА ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НОВЫХ МЕТОДОВ ЛЕЧЕНИЯ КРОЛИКОВ ПРИ ЭНДОМЕТРИТЕ И СОВРЕМЕННЫЕ МЕДИЦИНСКИЕ ПОДХОДЫ

Қосимова Дилноза Саётовна <https://orcid.org/0009-0004-2700-6805>
e-mail: dilnoza_kosimova@bsmi.uz

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан,
г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ *Резюме*

В мире в обеспечении репродуктивного здоровья особое место занимает ортофункциональное состояние эндометрия как важная биологическая структура. Его нормальное состояние необходимо не только для возникновения беременности, но и для сохранения и развития плода в течение всего срока. Функциональные нарушения эндометрия часто могут быть связаны с такими клиническими проблемами, как бесплодие у женщин, спонтанные непрерывные выкидыши и задержки нормального роста плода. Поэтому обеспечение здоровья эндометрия рассматривается как одно из важных направлений в мировой медицине.

Ключевые слова: экспериментально-медицинские исследования, эндометрит, новые методы лечения кроликов, оценка результатов лечения воспалительного процесса в процессе лечения и современные подходы к лечению.

ASSESSMENT OF THE EFFECTIVENESS OF NEW THERAPEUTIC MEASURES IN RABBITS WITH ENDOMETRITIS AND MODERN MEDICAL APPROACHES

Kosimova Dilnoza Sayotovna <https://orcid.org/0009-0004-2700-6805>
e-mail: dilnoza_kosimova@bsmi.uz

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara, st. A. Navoi. 1 Tel:
+998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ *Resume*

In the world, the orphofunctional state of the endometrium occupies a special place as an important biological structure in ensuring reproductive health. Its normal condition is necessary not only for the occurrence of pregnancy, but also for the preservation and development of the fetus for a full term. Functional disorders of the endometrium can often be associated with clinical problems such as infertility in women, spontaneous continuous miscarriages, and delays in normal fetal growth. Therefore, ensuring endometrial health is considered one of the important areas in global medicine.

Key words: *experimental medical research, endometritis disease, new treatment of rabbits, evaluation of the results of the treatment of the inflammatory process during the treatment and modern medical approaches*

Долзарбилиги

Жаҳонда ўтказилаётган илмий тадқиқотлар эндометрийдаги патологик ўзгаришларнинг сабаблари ва ривожланиш механизmlарини янада чуқурроқ ўрганишга йўналтирилган [1,2,3,4,5]. Хусусан, эндометрийнинг анатомик ва гистологик тузилиши, унинг ҳар ой янгиланадиган функционал қатлами, шунингдек, локал иммун жавоб ва умумий иммуномодулятор тизими билан боғлиқ жараёнлар кенг муҳокама қилинмоқда. Замонавий тадқиқотлар, шу жумладан, генетик таҳлиллар, эндометрий яллиғланишга мойил бўлишида ирсий омилларнинг муҳим ролини намоён этаётганини кўрсатмоқда. Баъзи мутахассислар буни яллиғланишнинг хроник шаклга ўтишидаги асосий триггерлардан бири сифатида баҳоламоқда. Бу эса, хусусан, сурункали эндометрит каби патологик ҳолатларнинг давомий ва яширин кечишини англатади [6,7,8,9,10].

Мамлакатимизда аёллар саломатлигини сақлаш ва репродуктив қобилиятни тиклаш йўналишида эндометрий патологияларини эрта аниқлаш ва самарали даволаш усулларини ишлаб чиқиши бўйича илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда [11,12,13,14,15]. Бунда иммунологик, гормонал ва генетик предиспозицияни хисобга олган ҳолда индивидуал терапевтик ёндашувлар шакллантирилмоқда [16,17,18]. Жумладан, эндометритни ташхислашда молекуляр ва биомаркер асосидаги диагностик усуллар, даволашда эса хужайравий ва қайта тикловчи терапия элементлари кенг татбиқ этилмоқда. Бу каби замонавий ёндашувлар миллий тиббиётимизда репродуктив саломатликни сақлаш ва яхшилашда муҳим аҳамият касб этиб, эндометрий касалликларнинг профилактикаси ва патогенетик коррекциясида янги имкониятлар эшигини очмоқда [19,20,21,22].

Тадқиқотнинг максади: ўтқир эндометритнинг экспериментал моделини яратиш ва унда яллиғланиш жараёнининг босқичма-босқич ривожланишини лаборатор шароитда тақорий кузатиш ҳамда патоморфологик, гистологик ва иммунологик ўзгаришларни таҳлил қилиш.

Тадқиқот материал ва усуллари

Репродуктив ёшдаги урғочи лаборатор ҳайвонлар (куёнлар)да эндометрит ривожланишининг асосий патогенетик механизmlарини аниқлаш; хусусан, ҳужайравий, цитокин-иммунологик ва молекуляр даражадаги биологик жараёнларни ўрганиш орқали касалликнинг келиб чиқиши ва давомийлигини тушунишдан иборат бўлди. Клиник ва экспериментал таҳлиллар асосида яллиғланишга қарши, иммуномодулятор ва регенератив хусусиятга эга бўлган доривор воситаларни танлаш ва уларнинг фармакодинамик ҳамда фармакокинетик хусусиятларини аниқланди. Танланган дори воситаларини комбинациялаш орқали комплекс фармакологик коррекция алгоритмини ишлаб чиқиши, уларнинг ўзаро таъсири, синергетик самараси ва хавфсизлик даражасини лаборатор ва экспериментал шароитда баҳоланди.

Экспериментал тадқиқот доирасида таклиф этилган даво схемасининг клиник самараадорлигини назоратли клиник синовлар орқали баҳолаш; касалликнинг клиник кечиши, рецидивлар рўй бериши ва умумий соғломланиш даражасига таъсирини таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижалари ва таҳлилар

Даволаш натижаларининг репродуктив салоҳият, ҳаёт сифати кўрсаткичлари ва лаборатор-биологик параметрлар билан боғлиқлиги нуқтаи назаридан баҳоланиши орқали даво самараадорлигини илмий жиҳатдан асосланди. Бизнинг тадқиқотларимизда иккала ўрганилган гурух урғочи куёнларда иммобилизация стрессидан сўнг кортизол даражаси назоратга нисбатан ўртacha 10-11% га ошди. Интакт ҳайвонлар билан таққослаганда, қондаги биокимёвий кўрсаткичлар АЛТ (11%

га), АСТ (3,6 марта), ЛДГ (19% га) ва С-реактив оқсил (47% га) ўткир эндометритда (УЭ), узок муддатли иммобилизация бўлган ҳайвонларда сезиларли даражада юқори эди.

Сурункали эндометрит ҳайвонларда (СЭХ) АЛТ 34%, АСТ 2,5 марта, глюкоза даражаси 65%, ишқорий фосфатаза 26% ва ЛДГ 83% га камайди. Иккала гурухда ҳам холестерин даражаси мос равишида 47% ва 26% га ошиши кутилган эди. Креатинин ва умумий оқсил даражасидаги ўзгаришлар сезиларли бўлмади.

Тадқиқот эндометрийнинг патологик жараёнларини чуқурроқ ўрганишга ва янги дори препаралари комбинациясининг таъсир механизmlарини аниқлашга қартилган. Бу орқали эндометриал касалликларнинг этиологияси ва патогенезини янада аниқроқ тушуниш имконияти яратилади. Илмий жиҳатдан, тадқиқот эндометриядаги яллигланиш жараёнларининг молекуляр ва ҳужайрали механизmlарини аниқлашга хизмат қилади, бу эса фармакотерапияда янги йўналишларни ишлаб чиқишга замин яратади. Шунингдек, тадқиқот натижалари эндометрийни даволашда самарали, хавфсиз ва инновацион усусларни яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Гурух	Ургочи жинсли Кўёнларнинг ўткир эндометрит уларда бинафша нурли	Ургочи кўёнларнинг сурункали эндометрит уларда бинафша нурли	Ургочи кўёнларнинг сурункали эндометритда пробионик ва уларда бинафша	Ургочи кўёнларнинг пробионик уларда бинафша нурли ўткир эндометрит	Интакт гурухи
Ургочи Кўёнларнинг ўткир эндометрит чалинганилиги	6,09±0,33*	9,6±1,6***	2,35±0,15*	1,30±0,12*	1,8±0,33*
Ургочи Кўёнларнинг сурункали эндометрит чалинганилиги	14,97±0,44*	5,77±1,14***	3,13±0,20*	1,29±0,15*	2,64±0,43*
Назорат гурухи	29,23±0,91**	6,10±0,69*	3,3±0,19*	1,0±0,1*	3,0±0,27*

Изоҳ: * -назорат гурух даражаларига нисбатан фарқлар ишончли (* $P<0,05$; ** $P<0,01$; *** $P<0,001$).

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, янги дори комбинацияларининг ишлаб чиқилиши ва уларнинг оптимал дозаларини белгилаш клиник амалиётда эндометриал касалликларни даволаш самарадорлигини сезиларли даражада оширади. Янги диагностик усусларни жорий этиш орқали эндометрийнинг ҳолати аниқроқ баҳоланиб, даволаш жараёнида самарадорликни мониторинг қилиш имконияти пайдо бўлади.

Иммобилизация стресси остида экспериментал ҳайвонларда курглицининг кортизол даражасига таъсири (n=10, p<0,05)

Гурух	Кортизол даражаси, нмоль/л	
	Композицияни қўллашдан 5 кун ўтгач	Композицияни қўллашдан 8 кун ўтгач
Ўткир эндометрит қўёнларда	61,896±0,620	60,463±0,895
Сурункали эндометрит қўёнларда	63,710±0,398	61,250±0,529

Шунингдек, терапиянинг индивидуаллашуви bemорларга мослаштирилган, самарали ва хавфсиз даволаш режаларини ишлаб чиқишга ёрдам беради, бу эса ён таъсирларни камайтириш ва даволаш

жараёнини тезлаштиришга олиб келади. Ҳаёт сифати бўйича баҳолашлар тадқиқот натижаларини амалга татбиқ этиш орқали беморларнинг умумий ҳолатини яхшилаш ва уларнинг даволашга бўлган ижобий муносабатини оширишга хизмат қиласи.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, эндометритни ўз вактида ва тўғри даволаш аёлларнинг ҳомиладорликка қодирлигини тиклайди ва ҳомиладорликни муваффақиятли давом эттиришга ёрдам беради. Аммо касалликнинг кечикирилган шакллари ва тез-тез қайталанишлари эндометрий тузилишида тузатиб бўлмайдиган ўзгаришлар - шишмалар, атрофия ёки спайкалар ҳосил қилиши мумкин, бу эса бесплодие ёки ҳомила ташлаб юборишига олиб келиши мумкин. Шу боис эндометритнинг белгиларига жиддий қараш ва ўз вактида мутахассисга мурожаат қилиш жуда муҳимдир. Тадқиқотнинг экспериментал натижалари асосида янги комбинациялашган фармакотерапия протоколлари ишлаб чиқилиши мумкин, бу эса эндометриал касалликларнинг даволаниш самарадорлигини оширишга хизмат қиласи. Ушбу протоколлар клиник амалиётда кенгайтирилган ва оптималлаштирилган даволаш усуллари сифатида қўлланилиши мумкин. Иммунологик ва цитокин текширувларининг клиник амалиётга татбиқи: яллигланиш жараёнларининг клиник диагностикаси ва даволаш жараёнини мониторинг қилишда ELISA технологияси ёрдамида цитокинлар даражасини ўлчаш усули кенг қўлланилиши мумкин. Бу, айниқса, даволаш самарадорлигини баҳолаш ва терапиянинг индивидуализацияси учун муҳимдир.

Эндометриал касалликларни диагностика қилишда янги молекуляр усулларни қўллаш: молекуляр биологик текширувлар, хусусан, ген экспрессиясини ўлчаш, эндометриал касалликларни аниқлашда янги ёндашувларни жорий этишига ёрдам беради.

Ушбу усуллар ёрдамида касалликнинг аниқ ташхисини қўйиш ва индивидуал даволаш режалари ишлаб чиқиш мумкин бўлади. Генетик ва гормонал текширувларни кенгайтиришга асос бўлади.

Тадқиқот давомида келтирилган генетик мутациялар ва хромосомавий ўзгаришларнинг эндометриал касалликлар билан боғлиқлиги ҳақидаги натижалар, репродуктив саломатликни сақлаш ва яхшилаш учун янги диагностик асбоб-ускуналарни жорий этишига замин яратади. Генетик ва гормонал текширувлар клиник амалиётда эндометриал касалликларни эрта босқичда аниқлашда самарали восита сифатида қўлланилиши мумкин.

Фармакологик даволаш протоколларининг модернизацияси: комбинациялашган фармакологик даво ёндашувлари янги протоколлар сифатида жорий этилиб, эндометриал касалликларни даволашда самарали ва хавфсиз альтернативаларини тақдим этади. Бу усуллар, илгари қўлланилаётган даволаш усулларига нисбатан янада юқори самарадорликни таъминлашга замин яратади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Kosimova Dilnoza Sayotovna Surunkali gipertenziya fonida reeklamsiya kasalligining zamonaviy jihatlari va xususiyatlari , Scientific journal of apped and medical sciences: Amaliy va tibbiyot fanlari ilmiy jurnal 2023;2(2).
2. Косимова Д.С. – изучение типологии экспериментальных животных с индивидуальными параметрами при оценке стрессового состояния препарата курглицин // Новый день в медицине 2023 10(60): 844-849 <https://newdaymedicine.com/index.php/2023/12/27/1-705/>
3. Dilnoza Sayotovna Kosimova. Effect of a new pharmaceutical composition biochemical parameters in experimental animals with varying degrees of emotional CKOPUS- Journal of Survey in Fisheries Sciences(sifisheressciences.com) <https://sifisheressciences.com/journal/index.php/journal/article/view/1719> 2023.
4. Косимова Д.С., Туксанова Д.И. Индивидуально метаболическая характеристика нарушений нейро-моторной функции при экспериментальном стрессе и пути его коррекции босма Новости дерматовенерологии и репродуктивного здоровья 2023;2(102).
5. Kosimova Dilnoza, Saidov Saidamir, Tursunkho djaeva Feruza, Mirsultono v Jakhongir Effect of a New Pharmaceutical Composition on Biochemical Parameters of Experimental Animals with Varying Emotion Degrees босма Scientific Academic Publishing <http://article.sapub.org/10.5923.j.ajmms.20231309.11.html>
6. Косимова Д.С., Турсунход жаева Ф.М. Иммобилизация стресси остида экспериментал каламушларда кортизол даражаси босма International Scientific Journal science and innovation issue dedicated to the 80th anniversary of the academy of sciences of the republic of Uzbekistan September, 2023 Part 3 https://zenodo.org/rec_ords/ ISSN: 2181-3337 | SCIENTISTS.UZ

7. Касимова Д.С., Турсунхаджаева Ф.М. Влияние иммобилизационного стресса на биохимические параметры крыс с низким и высоким уровнем эмоциональности и босма International Scientific Journal science and innovation issue dedicated to the 80th anniversary of the academy of sciences of the republic of Uzbekistan September, 2023 Part 3 ISSN: 2181-3337 | SCIENTISTS.UZ.
8. Косимова Д.С. Stress holatini baholashda kurglisin preparatining samaradorlini baxolash natijalarida korreksiyani baxolash босма Amaliy va tibbiyot fanlari ISSN: 2181-3469 Jild: 03 Nashr:02 2024 yil 6 бет.
9. Sayotovna KD. Stressning hayvonlar tanasiga ta'siri // O'rta Osiyo tibbiyot va tabiiy fanlar jurnali. 2022;3(1):164-171.
10. Kosimova D.S. O modelyax eksperimentalnogo razvitiya SD2 // Sovremennye innovatsii. 2020;4(38):13-14
11. Qosimova D.S., Adashev A.U. Sanoat korxonalarida mehnat unumdarligining raqobatbardoshligini oshirish yo'nalishlari // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. 2019;2(17):13.
12. Kosimova D.S. va Adashev A.U. (2019) "Sanoat korxonalarida mahsuldarlikni raqobatbardoshligini oshirish yo'nalishlari", Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar: jild. 2019 yil : 2-son, 17-modda. <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2019/iss2/17>
13. Sayotovna K. D. . (2022). Individual-Metabolicheskaya Xarakteristika Narusheniy Neyromotornoy Funktsii Pri Eksperimentalnom Stresse I Puti Ego Korrektssi. Amaliy va tibbiyot fanlari ilmiy jurnali 2022;1(7):74-77. <https://www.sciencebox.uz/index.php/amaltibbiyot/article/view/4905>
14. Dilnoza Sanyotovna Kosimova. Izuchenie elementnogo spektra v krovi u myshey s saxarnym diabetom. // So'rov innovatsiyalari 2020;4(38).
15. Kosimova D.S., Paliyuk A.V. Diskriminatsiyani taqiqlash: Inson huquqlari va asosiy erkinliklarini himoya qilish to'g'risidagi konvensiyaga muvofiq davlatning tushunchalari, xususiyatlari va majburiyatlar // L.Innovative Soc'y. 2021; 99 bet.
16. Sayotovna K.D. (2024). Stress xolatini baholashda kurglisin tayyorlash samaradorlini baxolash natijalarida korreksiyani baxolash. Amaliy va tibbiy fanlar ilmiy jurnali 2024;3(2):112–117. <https://sciencebox.uz/index.php/amaltibbiyot/article/view/9597>
17. Kosimova Dilnoza Sayotovna, Eksperimental Stressda Neyromotor Tizimning Individual-Metabolik Tavsifi Va Uning Korreksiyasi Kilish Yo'llari , Scientific journal of apped and medical sciences: AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI 2022;1(7).
18. Косимова Д.С. Изучение типологии экспериментальных животных с индивидуальным и параметрами при оценке стрессового состояния // American Journal of Pediatric Medicine and Health Sciences 2024;2(2). ISSN(E): 2993-2149
19. Косимова Д.С Применение Медицинских Мероприятий В Процессе Нарушения Нейромоторных Функций У Крыс В Условиях Стressa босма Journal of Interdisciplinary Science 2024 Web of Semantics: Journal of Interdisciplinary Science (2024) <https://wom.semanticjournals.org>
20. Косимова Д.С. Kalamushlar stress holatini baholashda tipologik yondashuv olib borish va davo choralarini qo'llash босма Journal of Science, Research and Teaching 2024 Aprel; 3(4). ISSN:2181-4406
21. Kosimova D.S. Evaluation of the effectiveness of the medicinal product "Kurglitsin" in the treatment of stress. 2025;26(9)15-19 <https://clck.ru/3QBPsPH>.
22. Kosimova D.S. / Optimization of combined pharmacological correction of uterine endometritis and the role of drug therapy 2025;26(9)20-24 <https://clck.ru/3QBPsQP>.

Қабул қилинган сана 20.11.2025